

АЛОҚА КАНАЛЛАРИНИНГ ИЖАРАСИ БҮЙИЧА
15/1 – СОН ШАРТНОМА

Тошкент шаҳри

“05” 9 20 23 йил

“О’zbekiston TELEKOMMUNIKATSIYA TARMOQLARINI BOSHQARISH RESPUBLIKA MARKAZI” давлат унитар корхонаси (“O’zTTBRM” ДУК), номидан бундан кейин “Ижарага берувчи” деб аталувчи, Устави асосида иш юритувчи директор в.б. У.А. Шакиров шахсида, корхона Устави асосида иш юритувчи бир томондан ва “RWC” МЧЖ ХК, бундан кейин “Ижарави” деб аталувчи, башфур.в.б. Тагалатъев.М. номидан ижарави асосида иш юритувчи, иккинч томондан, биргаликда “Томонлар” деб юритилувчилар қуидагилар тўғрисида мазкур Шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1 “Ижарага берувчи” “Ижарави”га алоқа корхоналар ўртасида ташкил қилинадиган, шартноманинг ажралмас қисми хисобланган яъни шартноманинг иловасига мувофиқ, бундан кейин “Ижарага олинган канал” деб аталувчи, алоқа каналларни (оқимларни) тўғри симлар билан ёки уларсиз, ижарага беради.

1.2 Шартномада ҳар томоннинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси “Телекоммуникациялар тўғрисидаги”, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқини химоя қилиш тўғрисидаги”, “Ижарага олинган канал”ни техник имкониятларни таъминлаштиришадиги, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқукий базаси тўғрисидаги” конунлари, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва Иктисадий процессуал кодекслари, Солиқ кодекси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (ЎзРАТваКРВ) меъёрий ҳужжатлари ва мазкур шартнома билан тартибга солинади.

2. ИЖАРАНИНГ ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБИ, ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ХУҚУҚЛАРИ

2.1 “Ижарага олинган канал” “Ижарави”га бирламчи тармоқларнинг охирловчи мосламаларини тақдим этмаган холда бириктирилган боғловчи линияларга ёки телекоммуникация каналларига уланади.

2.2 “Ижарага олинган канал” Ижаравининг буюртмасида кўрсатилган муддатдан бошлаб ишга туширилади ва ижарага олинган канал хисобланади.

2.3 “Ижарага берувчи” қуидагиларга мажбур:

- “Ижарага олинган канал”ни техник имкониятларга таяниб ЎзРАТваКРВ соҳага оид ҳужжатларида акс этирилган амалдаги техник меъёрларга мувофиқ тақдим қилиши;

- Барча каналларнинг сифатли ишланиши таъминлаши, каналнинг ижарави ёки тармоқ эгасига қарашли қисми бундан мустасно, бу алоҳида ижарави ва тармоқ эгаси ўртасида тузилган шартномада кўрсатилади;

- “Ижарага олинган канал” бузилган тақдирда, техник имкониятларга таяниб, бошқа каналга алмаштириши.

- “Ижарага олинган канал”нинг фойдаланиш тартибини бузилиши бир неча бор тақрорланган тақдирда, шунингдек тўлов “Ижарави” томонидан ўз вақтида амалга оширилмаса, “Ижарага берувчи” огохлантиришдан сўнг “Ижарага олинган канал”ни ўчириб қўйиш ҳуқуқига эга бўлади.

2.4 “Ижарави” қуидагиларга мажбур:

- “Ижарага олинган канал”дан ўз технологик эҳтиёjlари учун ёки юридик ва жисмоний шахсларга телекоммуникация хизматларини кўрсатиш учун фойдаланиш. Агар “Ижарави”га телекоммуникация хизматларини кўрсатиш учун ижарага олинган каналдан фойдаланса, “Ижарави”га тегишли фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга эга бўлиши керак;

- Алоқани ташкил этиш учун “Ижарави” алоқа каналини ташкил этиш муддатидан 15 (үн беш) иш кунидан кеч бўлмаган вақтда алоқа каналининг йўналиши, тақдим этиш пункти, юкланиш тури, тўғри симларга эҳтиёжи, “Ижарага олинган канал” уланиши санаси, боғловчи

линияларнинг иккала томондаги рақамлари, ишлаш режими, бажарувчининг фамилияси ва контакт телефонлари кўрсатилган ёзма буюртмани тақдим этиши;

- “Ижарага олинган канал” уланган санадан бошлаб сутка давомида “Ижарага берувчи”га ёзма равишда (факс/электрон почтаси орқали) “Ижарага олинган канал” уланганлигини тасдиқлаши;

- “Ижарага олинган канал”ни буюртма берилган муддатдан “Ижарага берувчи”дан қабул қилиши ва “Ижарага олинган канал”нинг нархи бўйича тўловни амалга ошириши лозим. “Ижарага олинган канал”нинг ижарага қабул қилинган санаси бу канал уланганлик тўгрисидаги “Ижарабчи”нинг ёзма тасдиқлов йўллаган санаси бўйича ҳисобланади. Агар уланган санадан бошлаб сутка давомида “Ижарабчи” “Ижарага олинган канал” уланганлигини ёки уланмаганлигини тасдиқламаса, “Ижарага олинган канал” уланган санадан бошлаб ижарага қабул қилинган ҳисобланади ва кейинчалик канални уланган санаси тўгрисидаги даъво қабул қилинмайди. Агар “Ижарага берувчи” “Ижарабчи”дан ёки бошқа манбадан, “Ижарабчи” ижарага берилган канални қабул қилмаганлиги ҳақида расмий маълумот олса, “Ижарага берувчи” канални уланган санасидан 10 (ўн) кундан сўнг ижарага берилган канални ўчириш (расформировать) хукуқини ўзида қолдиради ва бу ҳақда “Ижарабчи”ни хабардор қиласи;

- “Ижарабчи”нинг буюртмасида кўрсатилган “Ижарага олинган канал”нинг иш режимига қатъян риоя қилиши;

- 15 дақиқа ичидаги алоқа каналларнинг бузилганлиги тўгрисида “Ижарабчи” билан ишлаётган алоқа корхонанинг техник ходимларига маълум қилиши. “Ижарага олинган канал”нинг тўхтаб қолган вақти сигнализация тизими ишга тушган даврдан то унинг тугашигача ҳамда “Ижарабчи”нинг маълумоти бўйича қайд этилади. Алоқа канали бузилган ҳолатда, канални синовдан ўтказиш учун алоқа корхонасига топширилади. Агар канал “Ижарабчи”га қайтариб берилгандан кейин соҳадаги меъёрий хужжатларга мувофиқ нормал ҳолатда бўлмаса ва 15 (ўн беш) дақиқа ичидаги алоқа корхонага қайта тузатиш учун қайтариб берилса, бу ҳолда техник сабабларга кўра тўхтаб қолган вақт канални бузилиш ҳисобига, яъни “Ижарага берувчи”нинг ҳисобига киритилади. Бу ҳолатда каналнинг тўхтаб қолган вақти канални тузатиш учун биринчи марта буюртма берилган дақикадан ҳисобланади. Агар қайта текширишга берилгандан сўнг канал тузатилган бўлиб, техник нормаларга мувофиқ бўлса, у ҳолда тўхтаб қолган вақти биринчи марта текширувга топширилган дақикадан “Ижарабчи”нинг ҳисобига киради. Агар “Ижарабчи” томонидан канални қабул қилиб олгандан 15 (ўн беш) дақиқа ўтиб кетгандан кейин тузатиш учун қайтариб берилса, у ҳолда тўхтаб қолган вақти канални қайта тузатиш учун қайтариб берилган дақиқадан бошлаб белгиланади;

2.5 “Ижарабчи” ижарага олинган каналдан фойдаланиш хукуқини учинчи шахсга беришга ёки тегишли лицензиясиз юридик ва жисмоний шахсларга телекоммуникация хизматларини кўрсатиш учун ижарага олинган каналлардан фойдаланиш хукуқига эга эмас. “Ижарабчи” икки кун ичидаги “Ижарага берувчи”ни лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш, бекор қилиш ёки бекор қилиш тўгрисида ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатилгандан сўнг, ижарага олинган каналлар лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш муддатига тўсиб қўйилади, бу муддат учун “Ижарабчи” томонидан тўлов амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш, бекор қилиш ёки бекор қилишда “Ижарага берувчи” шартномани бир томонлама муддатидан олдин, лицензия бекор қилинган бекор қилинган кундан бошлаб бекор қилишга ҳакли.

2.6 Фавқулодда вазиятларда давлат манфаатларини ва мамлакат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида “Ижарага берувчи” ижарага олинган каналларни фавқулодда вазиятларда ишлаш тартиби тўгрисидаги амалдаги қоидаларга мувофиқ фойдаланиш хукуқига эга.

Фавқулодда вазиятларда, давлат бошқаруви органларининг вазифаларини таъминлаш мақсадида “Ижарага берувчи” Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилган ҳолда алоқа каналларини тўхтатиб туриш, блокировка қилиш ёки тугатиш хукуқига эга, бу ҳақида “Ижарабчи”га 3 (уч) кун олдин огохлантирилади.

3. ХИЗМАТНИНГ ҲИСОБ-КИТОБ ШАРТИ ВА ТАРТИБЛАРИ

3.1 Каналнинг йиллик ижара ҳақи суткалик (соатлик) тўлов ҳисобидан қўйида кўрсатилган нархномалар бўйича аниқланади:

- “Айрим телекоммуникация хизматлари тарифларининг чекланган даражалари” АК “Ўзбектелеком” томонидан тасдиқланган 125-1/2-сонли нархнома;
- “Ўзбектелеком” АК томонидан шартнома асосида (эркин) белгиланадиган телекоммуникация хизматлари учун тарифлар” 125-1/7-сон нархнома.

Ижарачининг буюртмасига биноан каналларда ҳар хил манипуляциялар (инсталляциялар) ўтказиш учун тўлов тасдиқланган тарифга асосан амалга оширилиши лозим.

3.2 Ижара ҳақи хисобланганда ойни тақвим 28, 29, 30, 31 кунлар сони, ҳамда дам олиш, байрам кунлари ва канални реал ишлаш вақти ҳисобга олинади.

3.3 “Ижарага олинган каналлар”нинг йиллик ижара ҳақи миқдори ушбу шартноманинг ажralmas қисми бўлган иловага мувофиқ амалдаги тарифлар бўйича ҳисоб-китоблар билан белгиланади.

3.4 “Ижарага берувчи” ва “Ижарачи” ҳар ойда канални ишлатилган вақт ҳисобини олиб борадилар. Канални ўтган ойда умумий ишламаган вақти “Ижарачи”нинг алоқа боғламалари ва ЎЗРАТВАКРВ нинг алоқа корхоналари ўртасида ўзаро келишилади. Икки томонлама тасдиқланган алоқа каналини тўхтаб қолган вақти ҳисоб варакаси ҳисбот ойининг 7 санасигача ҳисоб-китоб қилиш учун “Ижарага берувчи”га юборилади.

3.5 Шартнома тузишда “Ижарачи” томонидан ойлик хизмат ҳақининг 15% миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади.

3.6 “Ижарага берувчи” ҳар ҳисбот ойининг охирги санаси билан “Ижарачи”га ҳисбот ойи учун алоқа канал ижараси бўйича ҳисобварак-фактурани ва кейинги ой учун 15% миқдорида олдиндан тўлов ҳисобини электрон шаклда йўллайди. “Ижарачи” ҳисобварак-фактурани ва кейинги ой учун 15% миқдорида олдиндан тўлов ҳисобини электрон шаклда қабул қилиб ва кейинги ҳисбот ойининг 15 санасигача ҳисобварак – фактура, ҳамда олдиндан тўлов ҳисобига асосан тўловни амалга оширади.

3.7 “Ижарага олинган каналлар”нинг сони ёки кўрсатилган алоқа хизматлари учун тарифлар ўзгарган тақдирда, “Ижарага берувчи” бу ҳақда “Ижарачи”ни хабардор қиласи ва мазкур шартноманинг ажralmas қисми хисобланган Иловага янги тарифлар бўйича қолган йиллик даврга мазкур шартномага янги Илова қайта ҳисоб-китоб қиласи ва расмийлаштиради.

4. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗИЛИШИГА ЖАВОБГАРЛИК

4.1 Ҳисобварак-фактурага асосан тўловлар ўз вақтида тўланмаса (3.6.банд), “Ижарачи” ҳар бир муддати ўтган кун учун ҳисобварак-фактурада кўрсатилган миқдордан 0,4% ҳажмда жарима (пеня) тўлайди, лекин муддати ўтган тўлов миқдоридан 50%дан ошмаган ҳолда.

4.2 Ижара тўловини амалга ошириш бўйича шартларни (3.6 банд) ҳамда 2.5 бандида бажармаслик каналларни ўчириб қўйишга олиб келади, тўхтатилган вақт “Ижарачи” айби бўйича хисобланади ва ҳисоб-китоблар тақвим кунларга асосан амалга оширилади. Канал ўчирилгандан сўнг бир ойлик муддат мобайнида тўлов амалга оширилмаса, “Ижарага берувчи” канални ўчириш (расформировать) хукукига эга.

4.3 “Ижарага берувчи” шартнома шартлари бузилишига сабаб бўлувчи қуйидаги холатлар содир бўлганда жавоб бермайди: табиий оғат, фавқулотда вазиятда ёки алоҳида рўй берганида, “Ижарачи”га тегишли охирловчи ускуналари ёки боғловчи линияларининг бузилишида ҳамда “Ижарага олинган канал”нинг ишлаш режими “Ижарачи” томонидан ўзгартирилганда.

4.4 Алоқа узатиш тизимлари, трактлари ва алоқа каналларида режали ва режадан ташқари тезкор-созлаш ишларини ўтказишида, “Ижарага берувчи” соҳадаги меъёрий хужжатларда белгиланган мухлатда “Ижарачи”ни олдиндан огохлантиради ва шу муддат ичida “Ижарага олинган канал” ишлашини бузилишига жавоб бермайди.

4.5 “Ижарага берувчи” “Ижарачи” буюртмасида белгиланган “Ижарага олинган канал”ни топшириш муддатини кечиктирган бўлса, “Ижарага берувчи” “Ижарачи”га ҳар бир йўқотилган сутка учун “Ижарага олинган канал”нинг бир суткалик нархини 0,4 % ни, бироқ “Ижарага олинган канал” учун муддатида бажарилмаган хизмат баҳосидан 50% дан ошиб кетмаган миқдоридаги тўловни амалга оширади.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1 Шартномаларни бажаришда пайдо бўладиган низоларни томонлар музокаралар жараёнида ёки талабнома тақдим қилиш тартибига мувофиқ ҳал этилади.

5.2 Талабномани кўриб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси конунчилиги билан тартибга солинади. Талабнома олинган кундан 30 (ўттиз) кун ичida кўриб чиқилиши лозим.

5.3 Томонлар бир битимга келишмаганда низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунлари асосида Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқалади.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1 Ушбу шартнома 2022 йил 1 январдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласди.

6.2 “Ижарага олинган каналлар”нинг сони ўзгарса, шартнома томонларнинг ўзаро келишуви бўйича шартнома қўшимча келишув шакида тузиладиган ўзгариши ёки тўлдириш мумкин.

6.3 Шартнома мажбуриятлари доимий равища бузилса, манфаати бузилган томон шартномани бекор қилиш тўғрисида 30 (ўттиз) кун олдин қарши томонни огоҳлантириш хати билан, шартномани бекор қилиши мумкин.

6.4 Томонлар ҳар бири шартномани бекор қилинишидан камида 30 (ўттиз) кун олдин бошқа томонни огоҳлантириш билан бир томонлама тартибда ушбу шартномани муддатидан олдин бекор қилишга ҳакли.

6.5 Шартноманинг бекор қилиниши томонларни шартномани бекор қилиниш даврига қадар тушган ўзаро дъяволарни қондиришдан озод қилмайди.

6.6 Мазкур шартномада акс эттирилмаган масалалар, шу жумладан томонларнинг бошқа мулк жавобгарликлар ва низо масалаларини ҳал қилиш Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Конуни билан тартибга солинади.

7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ

7.1 Тарафлар, мазкур шартнома кучга кирган пайтдан бошлаб, ўзлари вакиллари, ходимлари, уларнинг назорати остида ёки таъсир кўрсатадиган бошқа шахслар томонидан келажакда, ушбу шартномани тузиш ҳамда бажариш билан боғлик ҳар қандай турдаги ноқонуний пул ва бошқа имтиёзларни таклиф, талаб қиласликларини, (шунингдек, қабул қиласликларини) кафолатлайдилар.

7.2 Тарафлар ушбу шартноманинг амал қилиш муддати давомида қуйида келтирилган қоидаларга риоя қиласликлари ва ўз вакиллари, ходимлари ва уларнинг назорати остидаги ёки таъсир кўрсатадиган бошқа учинчи шахслар томонидан мазкур қоидаларга амал қилиниши борасида оқилона чоралар кўриш мажбуриятини оладилар.

7.3 Тарафлар шартноманинг амал қилиш муддати давомида қуйидаги харакатларни ўзлари, шу жумладан учинчи шахслар орқали ҳеч қандай шаклда амалга оширасликни ўз зиммаларига оладилар.

а) пораҳўрлик-тижорат ёки бошқа турдаги ноқонуний устунликни олиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқорида кайд этилган шахслар ёки бошқа шахслар томонидан қонунга хилоф равища мулкий фойда олиш, бериш, ўтказиш, рухсат бериш;

б) пора талаб қиласлиш ёки пора беришга ундаш-рад этилган тақдирда таҳдид билан боғлик ва боғлик бўлмаган пора талаби;

в) ваколатларни сунистеъмол қиласлиш-тижорат ёки бошқа ташкилотда бошқарув функцияларини бажарувчи шахс ўз ваколатларини ушбу ташкилотнинг қонуний манфаатларига зид равища ўзи ёки бошқалар фойда олиши ёки зарар етказиш мақсадида ишлатиши;

г) юқорида айтиб ўтилган коррупция амалиётидан тушган даромадларни легаллаштириш, жиноий келиб чиқиши, манбаси, жойлашган жойи, тасарруф этиш усули, кўчириш ёки мулкка эгалик қиласлини яшириш агар бундай мулк жиноятлардан олинган даромад эканлиги маълум бўлса;

д) ушбу шартнома тарафлари амалдаги коррупцияга карши қонун хужжатларини бузадиган бошқа харакатларни содир этган тақдирда, тегишли тараф зудлик билан бошқа тарафни

Ўзбекистон Республика Коррупцияга қарши қонун ҳужжатларида белгиланган кўшимча таъкилар тўғрисида ёзма равища хабардор қилиши шарт.

7.4 Коррупцияга оид ҳар бир ҳолат юзасидан тегшили тарафни зудлик билан ёзма равища хабардор қилиши, ташкилотда ишбилармонлик этикаси қоидаларига риоя қилиш, муросасизликни тарғиб қилиши шарт.

7.5 Тарафлар шартномани тўхтатиб туриши ёки бекор қилиши учун асос ушбу шартноманинг 5.3 бандида кўрсатилган ҳолатлар суднинг қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқланган бўлиши шартлиги тўғрисида келишиб олдилар.

8. КЎШИМЧА ШАРТЛАР

8.1 Кўшимча алоқа каналларга эхтиёж туғилганда “Ижараба берувчи”нинг манзилига алоқа йўналишини, ҳар икки томондаги боғловчи линияларнинг мавжудлигини, каналдан фойдаланиш турлари ва унинг ишлаш режимини кўрсатган ҳолда буюртма юборади.

8.2 “Ижараба олинган каналлар” сони ўзгарганда, ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати учун шартномага янги Илова тузилади.

8.3 Агар тарафлар юридик ёки почта манзилига, корхона номига, банк ва бошқа реквизитларига ўзгаришлар киритса, тарафлар киритилган ўзгаришлар тўғрисида 5 (беш) кун ичida бир бирини ёзма равища хабардор қиласди.

8.4 Шартнома 2 нусхада тузилди ва тузилиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан текширилган ва шартнома томонларига 1-нусхада тақдим қилинган.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

“Ижараба берувчи”

“O’zbekiston telekommunikatsiya
tarmoqlarini boshqarish respublika
markazi” давлат унитар корхонаси
(“O’zTTBRM” ДУК)

Манзил: Тошкент шаҳри 100019
Олмазор тумани, Себзор дахаси, 18-А-үй
тел: 71-240-53-52, факс: 71-240-53-49
х/р: 20210000800155268001
МФО: 00401
банк: Тошкент шаҳар
“Алоқабанк” АТ
СТИР: 200899276
ИФУТ: 61900
ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан
йтиши коди: 326090015932
E-mail: tmc@rtmc.uz,
Веб сайт: www.rtmc.uz

“Ижараби”

“RWC” МЧЖ ХК

Манзил:
СП ОOO «Rubicon Wireless Communication»
тел: _____ факс: _____
х/р: г. Таишент, Чиланзарский р-н, ул. Гагарина, 40
МФО: _____
Р/с: 2021 4000 6004 5792 7001
банк: ОНЕРУ при ТГУ НБ ВЭД РУЗ МФО: 00451
ИНН: 201 501 439 ОКЭД: 61200
СТИР: _____
ИФУТ: _____
ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан
йтиши коди: _____



Директор в.б.
Шакиров У.А.



«ПРОЕКТ ДОКУМЕНТА НЕ ПРОТИВОРЕЧИТ
ТРЕБОВАНИЯМ ДЕЙСТВУЮЩЕГО
ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН»

Азизкин